



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ



МУҚАДДАМ СУДЛАНГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ: **МУАММОЛАР, САБАБ ВА ОМИЛЛАР**

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари
(2025 йил 31 октябрь)*

Тошкент – 2025

УДК343.9+ 343.85(575.1)(063)

БК67.5

Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқот институти кенгашининг 2025 йил 3 ноябрдаги 6-сон йиғилишида муҳокамадан ўтказилган босма ва электрон шаклда тарқатилишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Б.Э. Бердиалиев – Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқот институти бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тақризчилар:

Х.Т. Одилқариев – юридик фанлар доктори, профессор;

Я.Й.Олламов – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Нашрга тайёрловчилар:

**М.М. Кахарова, А.А. Хамидов, И.С. Алламбергенов,
Б.Н. Нормуродов, М.А. Аълохонов**

Муқаддам судланганлар жиноятчилигининг бугунги ҳолати: муаммолар, сабаб ва омиллар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2025 йил 31 октябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқот институти. – 110 б.

М 19

Ушбу тўпلامда муқаддам судланганлар жиноятчилигининг бугунги ҳолати, тенденциялари ҳамда бу турдаги жиноятлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларнинг комплекс таҳлили, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ва тавсиялар ҳамда шу йўналишда қриминологик фаолиятни такомиллаштириш истиқболлари ёритилган материаллар жамланган.

Тўпلام ҳуқуқ-тартибот органлари таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мустақил изланувчилари, талаба ҳамда курсантлари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқот институти, 2025 й.

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ: МУАММОЛАР, САБАБ ВА ОМИЛЛАР

Кахарова Мунира Махамаджановна

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот
институтининг илмий ходими, сиёсий фанлар доктори*

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг умумий динамикаси маълум даражада барқарорлашиб бораётгани кузатилса-да, муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар улуши ва улардаги ўзгаришлар криминологик таҳлил нуқтаи назаридан жиддий эътибор талаб этмоқда. Муқаддам судланганлик атамаси нафақат ҳуқуқий мақом, балки шахснинг ижтимоий мавқеи, унинг жамиятдаги ўрни ва имкониятларига бевосита таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлади. Судланганлик ҳолати инсоннинг меҳнат бозорига қайта кириб боришини чеклайди, унинг малакаси, билим ва кўникмаларидан келиб чиқиб ишга жойлашиши ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишида қатор бюрократик ва ижтимоий-психологик тўсиқлар юзага келади. Бу эса ўз навбатида барқарор даромад манбаини йўқотиш, ижтимоий ролларни бажаришда қийинчиликлар, оилавий муносабатлар издан чиқиши ва жамиятдаги стигматизация билан боғлиқ жароҳатларни келтириб чиқаради.

Шу каби омиллар судланган шахснинг жамият билан боғланиш нуқталарини сусайтиради, унинг ўзини ижтимоий тизимдан четлатилган ҳолда ҳис қилишига сабаб бўлади. Жамиятдаги рад этиш ҳолатлари, ишончсизлик, иш берувчиларнинг эҳтиёткор муносабати каби омиллар қайта жиноят содир этиш эҳтимолини кучайтирувчи ташқи босимлар сифатида намоён бўлади. Ички психологик омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади: шахсдаги стресснинг кўпайиши, руҳиятини тушиши, ўз-ўзига ишончнинг пасайиши ва фрустрация¹ ҳолатлари криминоген хатарни сезиларли даражада оширади.

Ушбу жараённинг хавфли томони шундаки, шахс жамиятга қайта интеграция бўла олмаганда, у, яъни жиноят содир этиши мумкин. Бу эса судланганликдан кейинги даврда жиноят содир этиш эҳтимолининг юқорилигига асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мана шундай мураккаб тизимли ҳолатлар профилактика механизмларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишни талаб қилади. Амалдаги профилактик чоралар кўп ҳолларда назорат ва ҳисобга олишга йўналтирилган

¹ Фрустрация – бу инсонда умидсизлик, хафалик, изтироб ва асабийликни келтириб чиқарадиган психологик ҳолат.

бўлиб, реабилитация, мослашув, руҳий барқарорликни тиклаш, бандлик ва ижтимоий ёрдам масалаларига нисбатан етарлича самара бермаётир. Шу боис, жиноятчиликни олдини олишда фақат ҳуқуқий механизмларга таяниш етарли эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, психологик, тарбиявий-маънавий компонентларни қамраб олган интеграциялашган сиёсат талаб этилади.

Замонавий криминология нуқтаи назаридан, судланган шахснинг қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтириш унинг ижтимоий муносабатларга қайта қўшилиши, потенциални ривожлантириши ва унинг ҳаётида ижобий мотивацияларни шакллантириш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, профилактика сиёсатини такомиллаштириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки жамоатчилик, маҳалла институти, таълим муассасалари, психологик хизматлар ва нодавлат секторнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши зарур.

Рецидив жиноятчилигининг асосий сабаблари ва омиллари ижтимоий, иқтисодий ва институционал соҳаларда ўзаро боғлиқ. Озодликка чиққан шахсларнинг меҳнат бозорига кириши ҳам чекланган, ижтимоий стигматизация ва оилавий қийинчиликлар уларнинг қайта жиноят содир этиш эҳтимолини оширади. Шунингдек, маҳаллий жиноятчилик муҳити ва масалаларни назорат қилувчи тизимларнинг сустлиги рецидивнинг сақланишига олиб келади. Мулкий ва наркотик билан боғлиқ жиноятлар, транспорт қоидабузарликлари каби қоидаларни бузиш ҳолатлари рецидивда юқори улушга эга бўлиб, уларни камайтириш учун қонунчилик ва жамият даражасида комплекс чоралар талаб этилади.

Криминология тадқиқот институти томонидан амалга оширилган илмий-таҳлилий тадқиқотлар натижасида рецидивист шахсларнинг профили аниқланган ва профилактика механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Озодликка чиққан шахсларга қайта интеграция, касбга ўқитиш, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари жорий этилиши, маҳалла ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги орқали рецидивни камайтириш мумкин. Шу билан бирга, пробация хизмати ва қайта кириш дастурлари самарадорлигини ошириш, жиноятчилик статистикаси ва таҳлилий маълумотларни мунтазам янгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ҳудудида муқаддам судланганлар томонидан содир этилган жиноятлар статистикаси жиноятчилик таҳлили ва профилактика сиёсати учун муҳим илмий асосни ташкил қилади. 2024 йилда республиканинг барча ҳудудларида судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 2020 йилга нисбатан қарийб 45

фоизга ошган. Ушбу ўсиш рецидив ва жиноятчилик тенденциясидаги сезиларли мураккабликни кўрсатади ҳамда илмий-таҳлилий назардан турли сабабларни ўрганишни талаб этади. Яъни, сўнгги беш йил ичида (2020–2025) содир этилган умумий жиноятларнинг 8,9 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич рецидивист шахслар жиноятчилиги аҳамияти ва уларнинг жамиятга салбий таъсирини илмий равишда баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, 2025 йилнинг биринчи 9 оyi натижаларига кўра, муқаддам судланганлар жинояти жами жиноятлар сонининг 5,5 фоизини ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар жиноятчилик динамикасининг мавжуд тенденцияларини яққол кўрсатади ва рецидивист шахслар фаолиятини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, қайта жиноят содир этган шахслар 2020–2025 йилларда жами жиноят содир этган шахсларнинг 11,6 фоизини, 2025 йилнинг 9 оyi охирида эса 12,0 фоизини ташкил этган. Бу, судланган шахсларнинг жиноятчиликка қайтиш эҳтимоли ҳануз юқори эканини ва профилактика тизимларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Илмий таҳлил натижалари кўрсатадики, рецидивист шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар фақатгина шахснинг индивидуал хулқ-атвори билан боғлиқ эмас, балки, кенг ижтимоий ва иқтисодий муҳит таъсирида шаклланади. Судланган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий тўсиқлари рецидивнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Масалан, ишсизлик ва кам таъминланганлик шахсни қонуний даромад манбаларига эга бўлмаслигига олиб келади ва шу орқали уларнинг қонунга зид йўлга қайтиш эҳтимоли ошади. Ижтимоий стигма – яъни судланганлик тарихига эга шахсларга нисбатан жамоатчиликда рад этиш, иш берувчилар ва маҳаллий жамият аъзолари томонидан дискриминация қилиш – ҳам рецидивда муҳим роль ўйнайди. Бундай стигма шахснинг ўзини жамиятдан узоқлаштиришига ва қонуний имкониятларни қидиришдан воз кечишига олиб келади.

Шунингдек, маҳаллий жиноятчилик муҳити ҳам қайта жиноят қилиш эҳтимолини оширади. Судланган шахслар кўпинча жиноятчиликка мойил, қонуний иш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш воситалари чекланган жойларда яшайди. Бу муҳит уларни қонуний йўл ўрнига тезроқ натижа берадиган ноқонуний воситаларга, масалан, мулкий жиноятлар, наркотик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жамоат тартибини бузишга олиб келади.

Илмий тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, рецидивист шахсларнинг шахсий психологик хусусиятлари ҳам аҳамиятлидир. Озодликка чиққан шахслар кўпинча руҳий травмалар, стресс, ижтимоий

изоляция ва оилавий муаммолар билан тўқнашади. Бу ҳолатлар шахсни янги жиноят содир этишга мойил қилади ва унинг қайта ижтимоийлаштирилишини қийинлаштиради.

Профилактика ва реабилитация чоралари ушбу омилларни комплекс равишда қоплаши керак. Бу шахсларнинг касбга йўналтириш, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва жамоат институтлари билан ҳамкорликда интеграция қилиш, шунингдек, маҳаллий муҳитда жиноятчиликни камайтириш чораларини ўз ичига олади. Институционал чоралар, масалан, пробация хизматининг самарали ишлаши, қайта интеграция дастурлари ва реабилитация механизмлари ҳам рецидивни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, илмий таҳлил шуни кўрсатадики, рецидивист шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг профилактикасида ягона чоралар етарли эмас. Жамиятнинг барча даражаларида комплекс ёндашув – иқтисодий имкониятлар, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, психологик ёрдам, институционал назорат ва жамоатчилик иштироки рецидивни сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради. Бу эса нафақат судланган шахсларнинг қайта ижтимоийлаштирилиши, балки умумий жамият хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, рецидив жиноятчиликда шахсий ва ижтимоий омиллар турлича таъсир кўрсатади. Жиноий фикрлаш усули ва стратегик қарашлар рецидивдаги ҳиссага эга бўлиб, тахминан 20 – 30 фоиз ҳолларда шахснинг қайта жиноят содир этиш эҳтимолига таъсир қилади. Бу ерда “жиноий фикрлаш” тушунчаси шахснинг муаммоларни ҳал қилишда ноқонуний усулларга, ўз манфаатлари учун бошқаларга қарши қонунга зид ҳаракатларга мойиллигини англатади. Жиноятчининг фикрлашини шакллантирувчи сабаблар орасида оилавий муҳитдаги тарбия, ижтимоий қоидаларга риоя қилмаслик, ҳамкасблар ва жамоат муҳити таъсири муҳим ўрин тутаяди.

Таълимнинг етишмаслиги рецидивдаги ҳиссани сезиларли даражада оширади. Тадқиқотларда таълим даражаси паст бўлган шахсларда қайта жиноят қилиш эҳтимоли тахминан 43 фоизга тенглиги қайд этилган. Бу кўрсаткич таълимнинг шахснинг қонунчилигини тушуниш, ижтимоий мослашув ва касбий фаолиятда иштирок қилиш қобилиятидаги муҳим аҳамиятини кўрсатади. Таълим йўқлиги ёки паст даражада бўлиши шахсни қонуний даромад манбалари ва ижтимоий имкониятлардан узоқлаштиради, унинг натижасида улар ноқонуний воситаларга мурожаат қилишга мойил бўлади.

Руҳий саломатлик муаммолари ҳам рецидивдаги аҳамиятли омил сифатида қайд этилган. Эркактлар орасида бу кўрсаткич тахминан 20 фоизни, аёллар орасида эса 40 фоизни ташкил этади. Руҳий саломатлик муаммолари орасида стрессга чидамсизлик, депрессия, психологик травмалар ва бой психоэмоционал тажриба йўқлиги қайд этилган. Аёллар орасида руҳий муаммоларнинг рецидивга таъсирининг юқори бўлиши уларнинг ижтимоий роли ва оилавий мажбуриятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар аёлларнинг ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимларига муҳтожлигини кўрсатади.

Шунингдек, илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири рецидив эҳтимолини алоҳида ва комплекс ҳолда оширади. Масалан, таълим етишмаслиги ва жиноий фикрлаш усули биргаликда шахсни ижтимоий мослашувдан узоқлаштириб, қайта жиноят қилиш хавфини сезиларли даражада оширади. Руҳий саломатлик муаммолари эса шахснинг стрессга чидамлилигини пасайтиради ва қонунга зид ҳаракатларга мойиллигини кучайтиради.

Шу боис, рецидив жиноятчиликка қарши самарали чоралар фақат қонуний чоралар билан чекланмаслиги, балки таълимни ривожлантириш, психологик қўллаб-қувватлаш ва шахсий психологик кўникмаларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олиши лозим. Бу комплекс ёндашув шахснинг ижтимоий, психологик ва маънавий интеграциясини таъминлаб, қайта жиноят қилиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

Шунингдек, қайта жиноят содир этган шахслар орасида муайян турдаги жиноятлар (*мулкий жиноятлар, транспорт қоидабузарликлари, наркотик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар*) кўп учрайди. Бу жиноятларнинг характерли хусусиятлари профилактика дастурларини яратишда ва рецидивист шахсларнинг ижтимоий интеграциясида ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу мақолада рецидивист шахсларнинг жиноятчилигини камайтириш ва уларни ижтимоий интеграция қилиш бўйича таклифлар тақдим этилади.

1. Профилактика ва реабилитация дастурларини такомиллаштириш:

озодликка чиқаришдан аввал шахсларнинг психологик, ижтимоий ва касбий қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилиши керак;

рецидивлик эҳтимоли юқори бўлган шахслар учун индивидуал реабилитация режалари ишлаб чиқилиши ва уларга амалий кўмак кўрсатилиши зарур;

☑ маҳалла ва жамоа даражасида судланган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш, уларни ижтимоий фаолиятга жалб қилиш лозим.

2. Ижтимоий ва иқтисодий интеграцияни таъминлаш борасида:

☑ судланган шахсларни иш билан таъминлаш ва касбга ўқитиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ўз даромад манбаларига эга бўлиши рецидивни камайитиришда муҳим аҳамиятга эга;

☑ кам таъминланган шахслар учун махсус ижтимоий дастурлар жорий қилиш, шу жумладан ижтимоий уй-жой ва моддий кўмаклар;

☑ маҳалла, нодавлат ташкилотлар ва хусусий сектор билан ҳамкорликда қайта интеграция механизмларини кучайтириш.

3. Таълим ва руҳий саломатликни қўллаб-қувватлаш юзасидан:

☑ таълим имкониятлари чекланган шахсларнинг касбий ва ижтимоий кўникмаларини ошириш, малака ошириш курслари ва таълим дастурларини ривожлантириш;

☑ руҳий саломатлик муаммолари бўлган шахслар учун психологик маслаҳат ва даволаш хизматларини кенгайтириш, айниқса аёллар ва ёшлар учун алоҳида дастурлар ташкил этиш.

4. Пробация ва назорат тизимини такомиллаштириш бўйича:

☑ пробация хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, қайта жиноят қилиш эҳтимоли юқори шахслар учун мунтазам кузатув тизимини йўлга қўйиш;

☑ қайта кириш дастурлари ва назорат тизимлари натижаларини мунтазам таҳлил қилиб, уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

5. Илмий-таҳлилий ва статистик мониторингни кучайтириш:

☑ судланган шахслар жиноятчилиги ва рецидив ҳолатларини республика ва ҳудудлар кесимида мунтазам таҳлил қилиш, уларнинг тури, ёши, жинси, таълим даражаси ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиш;

☑ тадқиқот натижалари асосида қонунчилик ва амалий профилактика чораларини такомиллаштириш.

6. Жамоатчилик ва оилавий муҳитни фаол тарбия соҳасига айлантириш:

☑ судланган шахсларни жамиятга қайтаришда маҳалла ва оилавий қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш;

☑ жамиятда стигма ва рад этиш ҳолатларини камайитириш, ижтимоий интеграцияни рағбатлантириш;

☑ озодликка чиққан шахслар билан ижтимоий фаолият ва волон-тёрлик дастурлари орқали алоқани ривожлантириш.

Мазкур илмий ва амалий таклифлар комплекс ёндашувни талаб қилади. Судланган шахсларнинг ижтимоий интеграцияси, психологик қўллаб-қувватлаш ва касбий ривожланиши рецидивни камайтиришда асосий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда рецидивист шахслар жиноятчили-гини камайтириш учун юқоридаги чора-тадбирлар самарали механизм сифатида қўлланилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, республиканинг турли ҳудудларида муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ўсиш тенденцияси, уларнинг қайта жиноят қилиш эҳтимоли ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари кенг илмий таҳлил ва комплекс профилактика чораларини талаб этади. Бу тадқиқот натижалари судланган шахсларни қайта интеграция қилиш ва рецидивни камайтириш стратегияларини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ва амалий чоралар комплекс ёндашув билан рецидивни камайтириш, судланган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш ва профи-лактика дастурларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиши керак.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ ВА МАҲКУМНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ОШИРИШНИНГ РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мирзаев Жаҳонгир Умрзоқович

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот
институтининг Таҳририй-ноширлик маркази
бош муҳаррири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида: “Биз барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини олиб бормоқдамиз. Бунинг учун ортга қайтмас ислохотларимизни изчил давом эттиряпмиз.

Устувор мақсадимиз – мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадрини ва фаровонлигини оширишдир” деб таъкидланган эдилар.

Дарҳақиқат, Республикаимизда олиб борилаётган тадбирлар инсон ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу замонавий дунё-ёнинг, XXI аср давлатларининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-------|
| Бердиалиев Б.Э. Кириш сўзи | 3-4 |
| Кахарова М.М. Муқаддам судланганлар жиноятчилигининг бугунги ҳолати: муаммолар, сабаб ва омиллар | 5-10 |
| Мирзаев Ж.У. Жазони ижро этиш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва маҳкумни ҳуқуқий онгини оширишнинг рецидив жиноятларни олдини олишдаги аҳамияти | 10-15 |
| Насиров И.С. Илгари судланганлар жиноятчилиги: озодликдан маҳрум этилган аёллар мисолида | 15-19 |
| Ражабов У.Р., Абдуллаев Х.О. Судланган шахслар ва маҳкумларнинг хулқ-атвори ҳамда қайта жиноят содир этишини бартараф қилишда таълимнинг таъсири (<i>ақш тажрибаси мисолида</i>) | 19-25 |
| Нурматов А.Р. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни жамиятга мослаштириш, уларни қайта жиноят йўлига киришини олдини олиш ва реабилитация қилишнинг мавжуд муаммолари | 25-32 |
| Абдурасулова Х.Р. Судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш таҳлили: сабаблар ва профилактика .. | 32-37 |
| Таиров Ш.М. Жиноят содир этган шахснинг ўзига хос характер хусусиятлари | 37-41 |
| Қутлимуратов М.Ш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг назарий ва методологик асослари | 41-51 |
| Ҳикматуллаев Ш.Ҳ. Судланган шахслар ва маҳкумларнинг қайта жиноят содир этишини бартараф қилиш (<i>Германия тажрибаси мисолида</i>) | 51-55 |
| Ким О.В. Причины и условия совершения преступлений, со стороны ранее судимых лиц, опыт зарубежных стран в применении эффективных профилактических мер в отношении них | 55-65 |
| Рихсимов К.А. “Қайта жиноят содир этган шахсларнинг жазо ўташ тартиби ва шартлари | 65-71 |

| | |
|---|---------|
| Хамидов А.А. Илгари судланганлар жиноятчилиги омиллари ва бундай жиноятларга қарши қарши курашиш тизими . . . | 71-79 |
| Исаков Л.К. От наказания к социальной адаптации: интегративный подход к контролю рецидивной преступности | 79-86 |
| Бахтиярова С.Р. От наказания к социальной адаптации: интегративный подход к контролю рецидивной преступности | 86-93 |
| Насруллаев Ф.С. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш тартиби | 93-96 |
| Ҳалимов М.О. Пенитенциар психология борасида хорижий давлатлар тажрибаси | 96-101 |
| Нормуродов Б.Н. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнати | 101-107 |
| Саттаров М.А. Ўтган даврлар мобайнида фош этилмаган жиноятларни тергов қилиш тактикасининг тарихий-тадрижий ривожланиш босқичлари | 108-114 |
| Аълохонов М.А. “Замонавий криминология тадқиқотлари методологияси: ёндашувлар ва концепциялар | 115-125 |